

# ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИ ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Сайдалиев Элёр Исмоилович

ЧДПУ ва А.А.Кулешов номидаги

МДУ нинг ҚТД бўйича 1-боскич магистранти

**Аннотация:** ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия амалиётини ривожлантириш, педагогик ҳамкорлик асосида тарбиялашнинг механизmlарини такомиллаштириш, тарбиялашни ҳамкорлик асосида ташкил этиш, педагогик ҳамкорлик муносабатларининг муҳим шаклларини амалга оширишнинг аҳамияти ёритилган

**Калит сўзлар:** ҳамкорлик педагогикаси, тарбиялашнинг механизmlари, ҳамкорлик, тарбия ишлари, таълим-тарбия амалиёти, маънавий-ахлоқий тарбия.

**Annotation:** development of educational practice based on cooperative pedagogy, improvement of mechanisms of education based on pedagogical cooperation, organization of education on the basis of cooperation, importance of implementation of important forms of pedagogical cooperative relations is highlighted

**Key words:** cooperative pedagogy, mechanisms of education, cooperation, educational work, educational practice, spiritual and moral education.

Сўнгти даврда ўзбек олимларидан Ш.А.Абдуллаева, З.Э.Азимова, Р.Мусурманов, Р.Н.Исмайлова ларнинг изланишларида ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражалари ҳамда тарбиявий ишларни диагностика қилиш билан боғлиқ хусусиятлари тадқиқ этилган.

Д.М.Анварова, З.Д.Бойтемирова, Х.Ж.Худайқулов, Э.Юсупов, Т.З.Салиеваларнинг докторлик ва номзодлик диссертацияларида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини такомиллаштириш, ёшлар маънавиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ўрганилган. Қ.Қ.Инақов, Н.Дилова, О.Р.Жамолдинова каби ўзбек олимлари тадқиқотларида ҳамкорлик педагогикаси, тарбиялашни ҳамкорлик асосида

ташкил этиш ва маҳалла ҳамжамияти таъсирида тизимли шакллантириш масалалари ўз аксини топган [2,3]

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Г.Г.Азгалдов, Э.П.Райхман, М.А.Викулина, М.И.Бекоева, В.Н.Фомин, Н.В.Культашева, В.Белов, И.Г.Салова, О.Ю.Кожурова, Н.А.Гришанова, М.В.Миронова, С.Меркулова, М.Н.Недветская, М.Г.Раджабов, Б.Качаловларнинг тадқиқотларида таълим жараёнларини баҳолаш, таълимтарбия сифатида оила ва мактаб ҳамкорлик тизимининг зарурияти, тарбияда ижтимоий шерикликни шакллантириш механизмлари ҳамда сифат муаммоси турли даражада ёритилган [1].

Хорижлик олимлардан Fatimah Al Nasser (Буюк Британия), Moore Женнифер, Riley Michael W. (University of South Florida), Смит Todd Г. (Миссури), Елкинс Чристине (Калифорния), Manuel N. Ponce (Америка), С.Нишикава (Япония), Т.Соопер (Австралия) ларнинг илмий ишларида шахс тарбиясининг муҳим хусусиятлари, маданиятлароро баҳолаш, маънавий-ахлоқий тарбия ва унга таъсир этувчи омиллар, тарбия ишларини баҳолаш масалаларининг назарий-методологик жиҳатлари ўрганилган [5,6].

Хозирда, ёшларимизнинг барқарор ҳаёти учун янгича “тарбия” усул ва шаклларини яратиш қучли ижтимоий зарурият сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган асосий масалалардан ҳисобланади.

Педагогиканинг қайси соҳаси бўлишидан қатъи назар, уларнинг қандай самара бераётганлиги, натижадорлиги доимий тарзда оқилона баҳолаб борилмаса, таълим-тарбия амалиётини ривожлантириб бўлмайди.

Чунки оила, мактаб ва маҳалла, жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлиги асосида маънавий-ахлоқий соҳада амалга оширилган ишларнинг сифат даражаси ўқувчи-ёшларнинг тарбияланганлик даражалари қай даражада юқори эканлиги билан қийматлидир.

Педагогик ҳамкорлик асосида тарбиялашнинг механизмларини такомиллаштириш ҳамда маънавий тарбия ишининг самарадорлигини

баҳолаш - умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбия муаммоларини самарали ҳал этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамият маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштиришда асосий таянч омиллар сифатида педагогик ҳамкорлик муносабатларининг муҳим шакллари:

ўқитувчи -ўқувчи — ота-она,  
жамоатчилик ташкилотлари -ўқувчи — ўқитувчи,  
таълим муассасалари — ўқувчи - маҳалла органлари,  
маҳалла органлари – ўқувчи - ота-оналар каби фаолиятнинг муштараклигини баҳолаш орқали ўқувчилар тарбиясини таъминлашда мазкур парадигмаларнинг маънавий ҳамкорлигини таъминлашни ташкил қилиш муҳим амалиёт саналади.

Таълим-тарбиянинг ташкилий-методик тамойилларидан бири бу – педагогик ҳамкорликдир. Яъни оила, мактаб ва маҳалла, жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигига ёшлиарни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг долзарб миллий параметрлари ўз ичига ҳалқимизнинг узоқ асрлар давомида шаклланиб келаётган қадриятларини чукур сингдириш, ватаннинг шаъни ва обрўсини кўзлаб, юксак марралар сари интилевчи муносиб фарзанд бўлиши учун ҳамкорлик дастурлари асосида иш олиб бориш муҳим.

Ҳамкорлик тарбиявий ишлар дастурлари ёшлиарни инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик тамойиллари асосида юксак одамийлик ва фуқаролик бурчига садоқатлилик рухида тарбиялаш, мустақил фикрига эга, тафаккури озод эркин шахсни замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўла оловчи, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қодир комил инсонларни камол топтириш ғояларини қамраб олиши зарур.

### Адабиётлар:

1. Абдуллаева Г.А. Маънавий-ахлоқий тарбия ва унинг ижтимоий-педагогик таҳлили // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. Илмий-назарий ва методик журнал, 2022. -№2 - Б.108-113 (13.00.01; 2021.)
2. Abdullayeva G.A. Quality of educational work in the general secondary education system as a problem // “Экономика и социум” Электронное научно-практическое периодическое издание, 2021. - №11 (90) - управления и социально-экономического развития <http://www.iupr.ru>
3. Abdullayeva G.A. Spiritual and moral criteria of student education // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 2021. Impa Factor: SJIF 2021= 7.492: Hindiston. pp. 38-42
4. Ernazarova G.O. Ways to improve the aesthetic ability of future teachers/ Journal NX a multidisciplinary Peer Reviewed Journal (ISSN: 2581-4230) April, 15ph, 2021.page № 619-623
5. Ernazarova G.O. Features of introduction of innovative activity of educational institution/ Science and education Journal (ARES),, ( ISSN 21-81) volume2, special issue 1, 2021 may, page №322-328